

Тошкент ш.

2022 йил 7 декабрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан Низом асосида иш қўрувчи директор А. Саъдуллаев бир томондан ва кейинги ўринларда иккинчи томондан «Ижрочи» деб юритиладиган "MOTIVATSION KONTENT" масъулияти чекланган жамияти, номидан директор К.Ахмедов, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани имзоладилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома орқали "Ижрочи" "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш амалиётини ёритувчи тарғибот видеороликларини тайёрлаш, "Буюртмачи" эса ушбу кўрсатилган хизматлар учун "Ижрочи"га ҳақ тўлашни зиммасига олади.

### 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ:

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 1 518 000 000 (бир миллиард беш юз ўн саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

### 3. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

3.1. «Буюртмачи» «Ижрочи»га шартнома бўйича тайёрлаб бериладиган видеороликлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизи 227 700 000 (икки юз йигирма етти миллион етти юз минг) сўм миқдорига маблағни олдиндан ўтказиб беради.

«Буюртмачи» қолган шартнома бўйича етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 85 фоизи 1 290 300 000 (бир миллиард икки юз тўқсон миллион уч юз минг) сўм тўловни товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилиб олганидан сўнг 3 иш куни ичида амалга оширади.

### 4. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. «Ижрочи» томонидан шартнома иловасида келтирилган иш (хизмат)ларни белгиланган тартибда бажаради, «Буюртмачи» «Ижрочи» томонидан бажарилган иш (хизмат)ларни шартномада кўрсатилган муддатда ва тартибда қабул қилади.

4.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га шартнома Республика Газначилигидан рўйхатдан ўтгандан ҳамда дастлабки аванс тўлови амалга оширилганидан сўнг, шартномада кўрсатилган иш(хизмат)ларни 5 календарь кунда тайёрлаши лозим.

4.3. «Буюртмачи» шартномага мувофиқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

«Буюртмачи» товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, «Ижрочи»ни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

### 5. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Ижрочи»нинг ҳуқуқлари:

тайёрланган видеороликларнинг ҳақини тўлашни;  
видеороликларни ўз вақтида қабул қилиб олишни;  
шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;  
«Буюртмачи»дан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

5.2. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

товарни «Буюртмачи»га мулк қилиб топшириш;  
шартномада назарда тутилган иш(хизмат)ларни топшириш;  
шартномада кўрсатилган муддатда ишлар (хизматлар)ни кўрсатиш.

5.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўзига мулк қилиб топширишни;  
шартномада кўрсатилган ишлар (хизматлар)ни кўрсатишни;  
шартномада кўрсатилган сифатдаги ишлар (хизматлар)ни кўрсатишни ;

5.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

ишлар (хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўлаш;  
ишлар (хизматлар)ни ўз вақтида қабул қилиб олиш;  
шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;  
«Ижрочи»га етказилган зарарни қоплаш.

## 6. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи тарафга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

6.2. «Ижрочи» шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш «Ижрочи»ни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

6.3. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун «Ижрочи»дан неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг миқдори ҳар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий суммасининг **0,4 % (фоизи)** миқдорига мажбурият амалда бажарилгунига қадар ундирилади. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоиздан** ошмаслиги лозим.

«Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Ижрочи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз етказиб берилган товар қийматининг **0,4 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоиздан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш «Ижрочи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6.4. «Буюртмачи» «Ижрочи»га товар учун тўланмаган суммани муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг **0,4** фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг **20** фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеняни тўлайди.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий суммасининг **0,4 % (фоизи)** миқдорига мажбурият амалда бажарилгунига қадар ундирилади. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **20 фоиздан** ошмаслиги лозим.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

7.1. Томонлар шартнома бўйича ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажариш давомида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунлари талабларига зид келувчи бирон бир хатти-ҳаракатларни содир этмайдилар, жумладан, бир Томон ходимларининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пора таклиф этиш, ваъда бериш, таъма қилиш, тўлаб бериш каби ҳаракатларни содир этмайдилар, яъни ходимлар моддий қимматликлар олиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлишга розилик бермайдилар. Томонлар кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги бўйича тегишли чоралар кўрилишини қафолатлайдилар.

7.2. Агар шартнома бўйича бир Томон иккинчи Томон ходимининг ушбу шартномага ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган хатти-ҳаракатига, шу жумладан коррупцион қонунбузарликни содир этишга мажбурлаш ҳолатига дуч келса, бу ҳақда иккинчи Томоннинг маъсул ходимларига маълум қилиши лозим.

## 8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

8.2. «Буюртмачи» қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда «Ижрочи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин жиҳозларни етказиб бериш «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Ижрочи» томонидан муддати кечиктирилганда;

тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб берилганда.

Бундан ташқари, «Буюртмачи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.3. «Ижрочи»:

Товарларни етказиб бериш «Ижрочи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи»

томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;

«Буюртмачи» томонидан тўлов тартиби ўз вақтида бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. «Буюртмачи» билан «Ижрочи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни тарафлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашлари лозим.

9.3. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этилмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Тарафлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хоши, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий офатлар, zilzila, сув тошқини, ўруш эълон қилиниши, амалдаги конунчиликнинг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади. Қайси тараф учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи тарафни ёзма равишда огоҳлантириш шарт. Форс-мажор ҳолатлари **3 ой** ёки ундан ортик давом этса тарафлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

10.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайдилар.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1. Шартнома Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

11.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**Буюртмачи**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги

Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани,  
Навой кўчаси 11А уй.  
х/р  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ  
АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ  
МФО 00014  
ИНН 207-323-290  
ХКМ "МАРКАЗИЙ БАНК"  
Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИ:  
23402000300100001010

М.У

А.Саъдуллаев

**Ижрочи**  
"MOTIVATION KONTENT" МЧЖ

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 11  
х/р 2020 8000 0053 8357 3001  
АТБ Ҳамкорбанк Тошкент шаҳар филиали  
МФО 00443  
ИНН 308 447 845  
Тел: 99 898 18 45

М.У

Қ. Ахмедов

У.И

А.Хомидов



2022 йил \_\_ декабрдаги  
7-сонли шартномага 1-илова

Биз қуйида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан директор А.Саъдуллаев, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи "MOTIVATION KONTENT" МЧЖ, номидан директор Қ.Ахмедов, кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартнома нархи ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича қуйидагиларга келишиб олдик:

№	Номи	Сони	Тайёрлаш муддати	Нархи (ҚҚС билан бирга)	Умумий (ҚҚС билан бирга)
1.	Ёшлар дафтарига киритилган ёшларни кўллаб-қувватлаш амалиётини ёритувчи тарғибот видеороликларини тайёрлаш, суратга олиш, монтаж қилиш	110	декабрь 2022 йил	13 800 000	1 518 000 000
<b>Жами</b>					<b>1 518 000 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: 1 518 000 000 (бир миллиард беш юз ўн саккиз миллион)сўм

**Буюртмачи**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги

Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани,  
Навой кўчаси 11А уй.  
к/р  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ  
АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ  
МФО 00014  
ИНН 207 323 290  
ХККМ "МАРКАЗИЙ БАНК"  
Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИ:  
23402000300100001010

М.Ў. А.Саъдуллаев



**Ижрочи**  
"MOTIVATION KONTENT" МЧЖ

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 11Б  
к/р 2020 8000 0053 8357 3001  
АТБ Ҳамкорбанк Тошкент шаҳар филиали  
МФО 00443  
ИНН 308 447 845  
Тел: 99 898 18 45

М.Ў. Қ. Ахмедов



Биз қуйида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан директор **А.Саъдуллаев**, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи "MOTIVATSION KONTENT" МЧЖ, номидан директор **Қ.Ахмедов**, кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартнома нархи ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича қуйидагиларга келишиб олдик:

№	Талаб номи	Таснифи
1.	Видео маҳсулотлардаги тасвир сифати	Full HD (1920x1080) 16:9 форматда 20 bitrate
2.	Овоз	AAC форматдаги 320 кб/с - стерео сифатда
3.	Видеолар сони	110 та
4.	Видеолар давомийлиги	хар бири камида 5 дақиқадан
5.	Мавзу	"Ёшлар дафтари"дан кўмак олган ёшларнинг ҳаётидаги ўзгариш, бугунги фаолияти, оилавий шароитини кўрсатиш орқали ёшларни ҳалол меҳнатга тарғиб қилиш
6.	Видео маҳсулотларнинг ишчи тили	Ўзбек тили
7.	Видео маҳсулотларни тасвирга олишда фойдаланиладиган техник ускуналар	Камера – RED DRAGON Кино оптика - 15мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм Релье Тележка (PANTER) Оператор крани 12м Дрон Steadicam
8.	Монтаж	Профессионал, рангли коррекция, VFX графика
9.	Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар	Видеомаҳсулотларни яратишда тасвирлар, овоз кўринишидаги матнлар, товушлар, мусикалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Тақдим этилган видеомаҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолларда Ижрочи ҳисобидан қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Таҳрир қилинмаганда видеомаҳсулотлар қабул қилинмайди. Ижрочи видеонинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириши лозим.

**Буюртмачи**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ёшлар ишлари агентлиги**

Тошкент ш. Шайхонтохур тумани,  
Навой кўчаси 11А уй.  
х/р  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ  
АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ  
МФО 00014  
ИНН 207 323 290  
ҲКМ "МАРКАЗИЙ БАНК"  
Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
ҒАЗНА ҲИСОВВАРАҒИ:  
23402000300100001010

М.У

А.Саъдуллаев

**Ижрочи**  
**"MOTIVATION KONTENT" МЧЖ**

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 11Б.  
х/р 2020 8000 0053 8357 3001  
АТБ Ҳамкорбанк Тошкент шаҳар филиали  
МФО 00443  
ИНН 308 447 845  
Тел: 99 898 18 45



М.У

Қ. Ахмедов

**2022 йил 7 декабрдаги 7-сонли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

**Шартнома тури:** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (видеороликлар тайёрлаш).

**Шартнома тарафлари:** Ёшлар ишлари агентлиги ва “MOTIVATION KONTENT” МЧЖ.

**Шартномани тузишга асос:** Ёшлар ишлари агентлиги директорининг 2022 йил 10 октябрдаги 01-10/308-сон “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш амалиётини ёритувчи тарғибот видеороликлар тайёрлаш хизматини харид қилиш тўғрисида”ги буйруғи, Ёшлар ишлари агентлиги Харид комиссиясининг 169517-сон лот бўйича 2022 йил 30 ноябрдаги энг яхши таклифни танлаш бўйича баёни.

**Шартноманинг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги:**

1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2. Шартномада унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари, хизматларни кўрсатиш муддатлари ва тартиби, хизматлар қиймати ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, коррупцияга қарши қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармони 3-бандига мувофиқ), тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бекор қилиш тартиби, тарафларнинг реқвизитлари белгиланган.

Ёшлар ишлари агентлиги Юридик бюроси томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра

**ХУЛОСА:**

Ёшлар ишлари агентлиги ва “MOTIVATION KONTENT” МЧЖ ўртасидаги 2022 йил 7 декабрдаги 7-сонли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таҳрирда тузилган.

Ушбу хулоса шартноманинг суммасига, Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва товарларнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласига татбиқ этилмайди ва Юридик хизмат ушбу масала юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**Юридик бюро бошлиғи**



**А.Халиков**

2022 йил 7 декабрь